80796

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 июль, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 133 (1386)

Бугуннинг гапи

ЎЗБЕКИСТОНДА СОРОС ЖАМҒАРМАСИ

Ўзининг йирик мурувват фаолияти билан жаҳонга танилган «Очиқ жамият» ташкилоти республикамизда иш бошлайди.

Мазкур институт Сорос жамғармаси номи билан ҳам машҳур. Тошкентда жамғарманинг «Марказий Евроосиёда очиқ жамият» лойиҳаси асосида тузилган ахборот маркази билан таништириш маросими бўлди.

«Очиқ жамият» ташкилоти 1993 йилда Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган эди. Ҳозир дунёда унинг 25 та бўлими бор. Улар ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатади ва жамғарма асосчиси жаноб Жорж Сорос томонидан қўллаб-қувватланади. Бу мурувват ташкилотининг мақсади жаҳон ҳамжамияти мамлакатларида таълим-тарбия, фан, маданият ва санъатни ривожлантиришдан иборат.

Тошкентда тузилган марказ жамғарма дастури бўйича ахборот тарқатиш, талаба ва аспирантларни чет элларда ўқишга таклиф этиш ва шу мақсадларга маблағ ажратиш билан шуғулланади.

(ЎзА).

ХХР РАИСИ ЦЗЯН ЦЗЭМИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

2 июль куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин рафиқаси билан мамлакатимизга расмий ташриф буюрди



Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонга Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар ХХР Раиси Цзян Цзэмин ва унинг рафиқасига ўзбек замининнинг анвойи гулларини тақдим этдилар. ХХР Раиси аэропортда оммавий ахборот воситаларига баёнот берди.

— Президент Ислом Каримов жаноби олийларининг таклифига биноан гўзал мамлакат — Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи билан келиш менга алоҳида мамнуният бахш этади, — дейилади ушбу баёнотда. — Фурсатдан фойдаланиб, хитой халқи номидан Тошкент аҳолиси ҳамда бутун Ўзбекистон халқига қайноқ салом ва юксак эҳтиромимни изҳор этишни истар эдим.

Хитой билан Ўзбекистон яқин ва дўст қўшнилардир. Иккала мамлакат халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик илдизлари жуда чуқурдир. Сўнгги йилларда Хитой билан Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган муносабатларнинг ривожланиш жараёнини эслар эканмиз, мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликда эришилган ижобий натижалардан мамнун эканимизни қайд этамиз.

Хитой Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг ривожланишига алоҳида эътибор беради. Чунки, бу муносабатлар Хитой билан Ўзбекистон, икки мамлакат халқлари манфаатларигагина мос бўлиб қолмасдан, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга ҳам хизмат қилади. Мен мазкур ташриф Хитой ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги бир-бирини тушуниш ва дўстлик, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилишига ишонаман. Биз Президент Ислом Каримов жаноби олийлари ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа раҳбарлари билан Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, шунингдек, ўзаро манфаатли бошқа масалалар юзасидан чуқур фикр алмашамиз. Ишончим комилки, иккала томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва ҳамкорлиги туфайли мазкур ташриф тўла муваффақият билан якунланади.

Сўнг автомобиллар карвони Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси байроқлари ҳилпираб турган Тошкент кўчалари бўйлаб Дўрмондаги қароргоҳ сари йўл олди.

Қароргоҳда Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ҳурматли меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва ХХР Раиси Цзян Цзэмин шоҳсупага кўтарилдилар. Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Цзян Цзэмин фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Цзян Цзэминнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Хитой раҳбари Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюриб, улуғ шоир ва мутафаккир ҳайкали пойига гуллар қўйди. ХХР Раиси Цзян Цзэмин шу куни Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонасида ҳам бўлди.

Оқшом Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин ва унинг рафиқаси шарафига қабул маросими уюштирди.

ХХР Раиси Цзян Цзэминнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

СУРАТДА: расмий кутиб олиш маросими.
Р. НУРИДДИНОВ тасвирга олган. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН-АҚШ ИШ БИРЛИГИГА СИЁСИЙ ЗАМИН ҲОЗИРЛАНДИ

Илгари хабар қилинганидай, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 23-28 июнь кунлари Америка Қўшма Штатларида бўлди

1. Вашингтон

Гарчи сафарнинг ҳар бир куни тиғиз ўтган бўлса-да, 25 июнь куни икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихига алоҳида саҳифа бўлиб киради.

Шу куни Президент Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари Президенти Б. Клинтон билан учрашди.

Ислом Каримов ва Билл Клинтон икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, томонлар манфаатига дахлдор сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик масалаларини, шунингдек, Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнини муҳокама этишди.

Билл Клинтон АҚШ маъмурияти Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва равнақидан манфаатдор эканини, Ўзбекистонга Ғарб мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантириш, қўшни мамлакатлар билан муносиб алоқалар ўрнатиш, тезроқ дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлида ёрдам беражагини таъкидлади, шунингдек, ўз ҳукумати Ўзбекистон билан Марказий Осиё минтақасида етакчи роль ўйнаётган давлат сифатида қалин муносабатлар ўрнатишни истаётганини маълум қилди.

Ўша куни яна бир муҳим воқеа рўй берди. Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма штатларидаги элчихонаси очилди. Унинг очилиш маросимида АҚШ Мудофаа вазири У. Перри, энергетика вазири Г. О'Лири, АҚШ Давлат департаментининг МДҲ давлатлари бўйича сиёсати бош мувофиқлаштирувчиси, элчи Ж. Коллинз каби Клинтон маъмуриятининг юксак лавозимли расмий кишилари иштирок этиши ҳам ўша қалин муносабатларга яхши сиёсий майдон ҳозирланаётганини кўрсатади.

Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари пойтахтида Ўзбекистон элчихонаси очилишини жадал ва доимий равишда ривожланиб бораётган ўзбек-америка муносабатларининг қонуний натижаси, деб баҳолади.

АҚШ Давлат департаментининг МДҲ мамлакатлари бўйича сиёсати бош мувофиқлаштирувчиси Ж. Коллинз жаноблари таъбири билан айтганда, бу бир кунда содир бўлган икки ҳодиса икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар давомийлиги ва келтуси асрда стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилиши рамзидир.

Элчихонанинг очилиш маросимида ҳаммадан ҳам кўра Гарвард университети ҳамда Бостон коллежининг профессори, Д. Карлайл кўпроқ қувонди, десак хато бўлмайди. У Американинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон бўйича йирик мутахассиси бўлиб, мазкур минтақа халқлари тарихини ҳам, у ерда рўй бераётган воқеаларни ҳам, муаммоларни ҳам, халқнинг руҳиятию дунёқарашини ҳам бошқалардан кўра яхшироқ тушунади, бир сўз билан айтганда, вазиятни яқиндан билади.

Доктор Д. Карлайл америкаликларга Ўзбекистон тўғрисида иккиламчи манбалардан бирёқлама ахборот етиб келаётганидан ташвишланар эди. Шу сабабдан у ўз саъй-ҳаракатлари билан мавжуд ҳаққоний ахборот бўшлиғини тўлдиришга бел боғлади ва «Марказий Осиёнинг истиқболдаги кеча ва бугуни» номли китоб ёзди. Марказий Осиё бўйича бошқа бир мутахассис, сиёсатшунос Л. Левитин билан ҳамкорликда «Ислом Каримов - янги Ўзбекистон президенти» китобини чоп эттирди. Китоб қисқа вақт ичида Ғарб китобхонларининг назарига тушди. Ғарб мамлакатлари илк марта Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар, ўзига яраша қийинчиликлар ва уларни енгишга астойдил бел боғлаган ўзбек халқи тўғрисида кенг ва бевосита ахборот олиш имконига эга бўлди. Янги мустақил давлатимиз собиқ марказнинг ахборот қамалидан чиқа бошлади. Бевосита ахборот айирбошлаш, ўзлигимизни дунёга танита олиш имконияти рўёбга чиққани бошқа мамлакатлар, хусусий компаниялар билан бевосита ҳамкорликка шароит туғдириб бераётир.

Ўзбекистон Президентининг Италиянинг Флоренция шаҳридаги Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари саммити чоғида мазкур халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга қўл қўйиши, орадан бир-икки кун ўтиб, Оқ уйда АҚШ президенти Б. Клинтон билан учрашуви жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бораётган, умумбашарий қадриятлар сари юз тутаётган республикамиздаги туб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, шаклланаётган эркин бозор муносабатлари ва демократия қатъиятларининг тан олинишидир. Дунё сиёсати ва иқтисодиётининг бу икки маркази билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилмоқда.

Бир вақтлар Ўзбекистонда бозор муносабатлари ва демократияга асосланган жамият қуриш борасида халқнинг тафаккури, урф-одатлари, тарихи, маънавияти ва дунёқарашини ҳисобга оладиган ўзига хос ва мос йўл танланганда ташвишга тушиб қолган Ғарб мамлакатлари бугун унинг муқобилсиз, бирдан-бир тўғри йўл бўлганига иқрор бўлишмоқда. Зеро, фуқароларнинг энг олий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини таъминламай туриб демократик жамият қуриб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

• Фармон ва ижро

АМАЛДАГИ ҒАМХЎРЛИК

Мамлакатимизда аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича индексация қилинган пулларини тўлаш қизғин давом этмоқда

Бозор шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоялаш мамлакатимиз раҳбарияти ўтказиб келаётган сиёсатнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу асосда қабул қилган қарори фикримизга ёрқин далилдир. Турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ушбу ҳужжатларни халқимиз зўр мамнуният билан кутиб олганлиги маълум.

Ўтган қисқа муддат ичида барча Халқ банкларида пул маблағларини индексация қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Айни кунда 1992 йилгача омонатларга қўйилган ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини тўлаш қизғин давом этмоқда. Президент Фармонида таъкидланганидек, биринчи босқичда омонатларнинг ўн фоизи тўланаяпти.

Шу муносабат билан мухбиримиз Халқ банкининг пойтахтимиздаги бўлимларида бўлиб, ўз пулларини олиш учун келган омонатчилар билан суҳбатлашди.

Музина АБДУЛЛАЕВА, Чилонзор тумани:

— Кўп йиллар давомида халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилдим. Айни кунда пенсиядаман. Ёмон кунимга яраб қолар, деб омонат кассасига пул қўйган эдим. Бу орада пулнинг қадри тушди. Кўпчилик қатори мен ҳам кассадаги пулимдан умидимни узгандим. Президентимизнинг Фармонига асосан, 1992 йилгача омонатларга қўйилган ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларининг сўмларда ифодаланган қолдиғи 4000 баравар оширилганлиги айни муддао бўлди. Ўйлайманки, бу аҳолини кафолатли ижтимоий ҳимоялашнинг ёрқин кўринишларидан биридир.

Халқ банки ходимлари тегишли ҳужжатларни тайёрлашда, яқиндан ёрдам беришди. Куни кеча ҳисобимдаги омонатнинг ўн фоизини олдим. Бу халқ фаровонлиги ҳақида қилинаётган ғамхўрликдир. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган сиёсатидан ниҳоятда мамнунман.

Олимжон АҲМЕДОВ, Бектемир тумани:

— Хайрли иш амалга оширилмоқда. Президентимиз Фармони ва республика ҳукуматининг қарорига асосан 1992 йилгача омонатларга қўйилган пуллар бугун эгалари қўлига тегмоқда.

Ўзимга келсак, Бектемир туманидаги 86/74-Халқ банкининг 0399-бўлимига пул қўйгандим. Индексация қилинган пулдан ўн фоизини — 3554 сўмини нақд беришди. Бундан беҳад хурсандман.

Лайло МИРХЎЖАЕВА, Ҳамза тумани:

— Тўғрисини айтсам, шу йилнинг февраль ойигача банкка қўйилган пулимдан умидимни узгандим. Йўқ, хатотирим ўринсиз экан. Халқимиз ҳақида қайғураётган юртбошимиз ва ҳукуматимизга раҳмат. Иқтисодиётдаги қийинчиликларга қарамай, аҳолининг моддий аҳволини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрилаётганлиги барча қатори мени ҳам мамнун этди.

Индексациядан сўнг банкдаги шахсий омонатимдан 5000 сўмини тўлашди. Қолганини олишга шошилаётганим йўқ. Чунки эндиликда Халқ банкида пул сақлаш ҳар жиҳатдан қулай ва фойдалидир.

***

Бундай дил сўзларини республикамиз вилоятларида яшовчи минг-минглаб омонатчилардан ҳам эшитиш мумкин. Зеро, омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилишга қаратилган ушбу муҳим тадбирдан асосий мақсад халқ фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан иборатдир.

Н. ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР ЯНГИЛИКЛАР ЯНГИЛИКЛАР

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

Самарқандда қимматли қоғозлар билан ишлашни такомиллаштириш, ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳиссадорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган минтақавий семинар ўтказилди.

Унда Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси раҳбарлари, шаҳар ва туманлар хусусийлаштириш бўлимлари бошлиқлари, ҳиссадорлар ва мутахассислар иштирок этди.

Семинарда Республикада қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан маърузалар тингланди. Анжуман қатнашчилари бу борада тажриба алмашди.

МЕБЕЛЬ УЧУН... ҚИШЛОҚҚА

Урганч тумани Дўрмон қишлоғидаги «Гули» корхонаси вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманлари аҳолисидан буюртма ола бошлади.

Бу ерда замонавий андозаларга мос юмшоқ диванлар, турли уй жиҳозлари, ойна ва эшик ромлари ясалмоқда. Тадбиркор Ўткир Султонмуродов бошчилик қилаётган корхона тахта-ёғочни Россиядан келтирмоқда, эвазига эса тайёр маҳсулот жўнатмоқда.

БОР-ЙЎҒИ 24 КИШИ ИШЛАСА ҲАМ...

Сирдарё шаҳрида Германиянинг «Винклер» фирмаси билан ҳамкорликда янги нон заводи фойдаланишга топширилди.

Уч сменада бор-йўғи 24 киши меҳнат қиладиган бу корхонада ўттиз хилга яқин нон ва нон маҳсулотлари чиқарилади. Унинг хизматидан бутун шаҳар аҳолиси баҳраманд бўлади.

АЙТИШУВ УЧ КУН ДАВОМ ЭТДИ

Марғилонда халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази республика мустақиллигининг беш йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Алла» ижрочилари учинчи анъанавий республика кўрик-танловини ўтказди.

Уч кун давом этган айтишувда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан энг моҳир қўшиқчилар қатнашди. Кўрик-танловда Сирдарё вилояти вакиллари энг яхши ижрочи, деб топилди.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1996 йил 2 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 28,88 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 37,80 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 3 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	29,71
1 Австрия шиллинги	3,53
1 Англия фунт стерлинги	58,82
10 Бельгия франки	12,05
1 Голландия гульдени	22,12
10 Греция драхми	1,58
1 Дания кронаси	6,44
1 БАА дирхами	10,29
1 АҚШ доллари	37,80
1 Миср фунти	11,13
1 Ирландия фунти	60,47
1 Исландия кронаси	0,56
10 Испания песети	2,95
100 Италия лираси	2,47
1 Канада доллари	27,72
10 Хитой юани	0,45
1 Қувайт динори	126,13
100 Ливан фунти	2,41
1 Малайзия ринггити	15,16
1 Германия маркаси	24,80
1 Норвегия кронаси	5,81
1 Польша злотийси	13,88
10 Португалия эскудоси	2,41
1 Сингапур доллари	26,79
1000 Туркия лираси	0,46
1 Финляндия маркаси	8,12
1 Франция франки	7,33
1 Швеция кронаси	5,69
1 Швейцария франки	30,23
1 ЭКЮ	47,01
10 Жанубий Корея вони	0,47
10 Япония иенаси	3,44
1000 Россия рубли	7,38
1000 Украина карбованеци	0,21
1000 Беларусь рубли	2,89
1 Эстония кронаси	3,10
1 Латвия лати	68,11
1 Литва лити	9,45
1 Қозоғистон тенгеси	0,57
1 Қирғизистон соми	3,10

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айрбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

ЎЗБЕКИСТОН-АҚШ ИШ БИРЛИГИГА СИЁСИЙ ЗАМИН ҲОЗИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда давлатчиликни оёққа турғизиш, унинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш, иқтисодий қарамликдан қутулиш, чет эл бизнеси ва сармоясини мамлакатга жалб этиш учун нимаики иш қилинган бўлса, шу барқарорлик туфайли қилинди, қон тўкилмагани туфайли амалга ошди. Бундан Ғарбий Европа ва Америка сиёсатдонлари ва ишбилармон доиралари ҳам манфаатдордир.

И. Каримов Вашингтон шаҳрининг Миллий матбуот клубида ўтказган матбуот конференциясида мухолифат вакили Абдумannоп Пўлатовнинг саволига жавоб берар экан, мухолифатнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатиши учун ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини, ҳар бир фуқаро ёки сиёсий ташкилот олдига фақат битта — қонунга риоя этиш талаби қўйилишини қайд этди. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи халқаро ташкилотлар «Ҳиюман райтс вотч», ЕХҲТнинг Инсон ҳуқуқлари ва демократик муассасалар бўйича бюроси вакиллари ҳам республикамизда демократия қатъиятлари қарор топаётганини таъкидлашмоқда. Ўзбекистон билан мазкур инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш муассасалари ўртасида доимий мулоқот ва қўшма тадбирлар ўтказиб турилибди. «Ҳиюман райтс вотч» яқин вақт ичида Тошкентда ўз ваколатхонасини очиш ниятида.

Ислом Каримов АҚШ оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқоти чоғида Флоренцияда ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган битим ўзаро сиёсий мулоқотга муассасавий асос бўлиб хизмат қилади ва иқтисодий, маданий, илмий-техник алоқаларни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратади, деб айтди. Бу республикамизнинг демократия ва эркин бозор муносабатлари принципларига содиқ эканининг яна бир карра намойишидир.

И. Каримов айни замонда оммавий ахборот воситалари халқаро мезонлар даражасига кўтарила олмаётганини, бунинг учун уларни бир неча бор кескин танқид қилганини қайд этди.

И. Каримов А. Пўлатовнинг мустақилликни ҳимоя этишда расмий ҳукумат ва мухолифат ҳамкорлик қилиши мумкинлиги тўғрисидаги мулоҳазасига жавоб берар экан, ҳеч бир гуруҳ ёки партиянинг мустақилликка тўлиқ эгалик даъво қилишга ҳаққи йўқ, истиқлол — халқимизнинг ютуғи, керак бўлса, уни бутун ўзбек халқи ҳимоя этади, деб уқтирди. Дарҳақиқат, мустақиликни ҳимоя этиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш унинг мудофаа қудратини оширишнигина назарда тутмайди. Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ каби дунёнинг етакчи давлатлари билан йўлга қўйилаётган алоқаларни стратегик даражага кўтариш ҳам миллий хавфсизлигимизга кафолат бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Ислом Каримов АҚШнинг ОПИК (Хорижий хусусий сармоялар корпорацияси) қароргоҳида Америка ишбилармон доиралари вакиллари учун ўтказган брифингида бу мамлакатга ўзаро алоқалар учун сиёсий замин ҳозирлаш учун ташриф буюрганини қайд этди.

АҚШ Президенти билан бўлиб ўтган учрашув бунинг ёрқин далилидир. Ислом Каримов бундан ташқари Америка Қўшма Штатлари президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Э.Лейк, мудофаа вазири У.Перри, энергетика вазири Г.О'Лири, молия вазири Р.Рубин, Давлат котибининг муовини С.Толбот, АҚШ Сенати ва Вакиллар палатасининг халқаро муносабатлар қўмиталари аъзолари, Марказий Осиё - Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси С.Соларз, ишбилармон доиралар вакиллари, Дунё банки президенти Ж.Вулфенсон билан учрашувлар ўтказди.

АҚШнинг Бош мудофаа маҳкамаси Пентагон эса Ўзбекистон Президентига теран ҳурмат рамзи сифатида тўплардан 21 марта ўқ узиб, салют берди. Мудофаа вазири У.Перри Ўзбекистон Президенти билан Пентагондаги учрашуви олдидан мухбирларнинг саволларига жавоб бера туриб, вазирлик республикамиз билан иқтисодий, хавфсизлик, конверсия, ижтимоий соҳаларда, НАТО билан имзоланган «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳамкорлик қилаётганини қайд этди.

Президентнинг Марказий разведка бошқармаси директори Ж.Дойч, Федерал қидирув бюроси директори Л.Фри, АҚШ Давлат котибининг биринчи муовини С.Толбот билан ўтказган музокаралари жараёнида халқаро ва Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги, у ерда узоқ йиллардан бери тўхтамаётган уруш оловини ўчириш, терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши биргаликда кураш каби масалалар муҳокама этилди.

Энг муҳими, Америка маъмурияти, Конгресси Ўзбекистоннинг минтақадаги вазиятни изга тушириш, барқарорликни вужудга келтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Кези келганда айтиш лозимки, АҚШ тарафи БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасидаги таклифини қўллаб-қувватлашини баён қилди.

Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни таъқиқлаш тўғрисидаги таклифи юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа парламенти махсус қарор қабул қилди. Мазкур муаммо АҚШ Конгрессида ҳам муҳокама этилди. Булар барчаси Афғонистондаги урушни тўхтатишнинг Ислом Каримов таклиф этган йўлининг муқобили йўқлигини кўрсатмоқда.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан бошланган олий даражадаги ўзбек-америка сиёсий мулоқоти дунёнинг иқтисодий жиҳатдан энг буюк давлати бизнеси ва капиталининг Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё бозорига кириб келиши ва муқим ўрнашиб қолиши учун қулай шароит туғдиради.

Ислом Каримов АҚШ савдо ва тараққиёт агентлигининг Ўзбекистон Президенти шарафига уюштирган зиёфатида ўзбек-америка ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида нефть ва газ қазиб олиш, уларни қайта ишлаш, олтин ва бошқа қимматбаҳо, стратегик маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, энергетика, самолётсозлик ва конверсия технологиялари мажмуи, қишлоқ хўжалик техникасини биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, транспорт ва телекоммуникация, банк ва суғурта тизими, экологик жиҳатдан хавфсиз технологияларни жорий этиш ва экологик аҳволни соғломлаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш кабиларни санаб ўтди.

Мазкур агентлик ташаббуси билан Вашингтондаги ОПИК қароргоҳида ўтказилган брифинг, Ҳиюстон шаҳридаги Ўзбекистон газ ва нефть саноати, Денвер шаҳридаги тоғ-кон саноати имкониятлари ва бой табиий ресурсларга бағишланган конференция ҳамда қўргазмалар чоғида Ўзбекистонда чет эл сармоялари ва бизнеси учун яратилган қулай иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий шароитлар тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Ислом Каримов мазкур сафардан муддао Америка ишбилармон доираларига Ўзбекистон тўғрисида ҳаққоний ва тўлиқ ахборот бериш, манфаатларимиз ўзаро мос келадиган иқтисодиёт тармоқларини аниқлаш, республика иқтисодиёти кемасини замонавий ва истиқболли технологиялар сари, ялпи интеграция буриш эканини айтди. Чунки Америкадай иқтисодиёт, технологиялар жиҳатидан энг қудратли давлат билан ҳамкорлик мамлакатимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Президент таққослаш учун бир мисол келтирди. «Кейс» ишлаб чиқараётган комбайнлар самарадорлиги Россиянинг «Енисей» комбайнларинникидан қарийб 10 баробар юқори. Тўғри, «Кейс» комбайнлари анча қиммат туради. Бироқ зиқна икки баробар пул тўлайди, деган гап бежиз айтилмаган.

Брифингда Марказий Осиё республикаларида фаолият кўрсатаётган чет эллик ишбилармонлар, сармоядорлар ҳуқуқий беқарорликка, яъни қонунларнинг тез-тез янгиланиб туришига дуч келаётгани ва бу нормал ишлаш учун муайян қийинчиликлар туғдираётгани, Ўзбекистонда бу борада аҳвол қандайлиги тўғрисида савол берилди.

Ислом Каримов ўтиш даври, албатта, вазиятга қараб янги-янги қонунлар қабул қилишни тақозо этишини айтди. Аммо, деди у, Ўзбекистонда чет эллик ишбилармонлар ўзлари иш бошлаган даврда мавжуд бўлган қонунлар асосида ўн йил ишлаши, қонунлар ўзгарган тақдирда, хоҳлашса, янги қонун асосида, йўқса, олдинги қонунлар билан ишлайвериши мумкин. Ўтиш даврида бу ҳуқуқий барқарорликни сақлашнинг энг мақбул йўлидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 200 та ўзбек-америка қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. 28 та Америка компания, фирма ва банки Тошкентда ўз ваколатхоналарини очган.

ОПИК қароргоҳидаги брифингда АҚШнинг 70 дан ортиқ молия, тоғ-кон саноати, ишлаб чиқариш билан машғул етакчи компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Ундан сўнг 6 та ҳужжат, жумладан, «Ўзбекнефтьгаз» миллий корпорацияси билан «Энрон» корпорацияси ва ОПИК ўртасида лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш ва суғурта қилиш тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Кейс» корпорацияси ўртасидаги лизинг компанияси тузиш тўғрисида битим, бир неча ўзаро тушуниш битимлари имзоланди.

Лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш ва суғурта қилиш тўғрисидаги протокол бўйича ОПИК ажратадиган 400 миллион АҚШ доллари Ўзбекистонда газ саноатини ривожлантиришга хизмат қилади.



СУРАТДА: Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасининг янги биноси.

ОПИК президенти Р. Харкин хоним брифингда Ислом Каримовга сўз бера туриб, Америка Президент Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ниятида экани, ОПИК Клинтон маъмуриятининг Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни кучайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларида асосий рол ўйнаяжагини маълум қилди.

Бугунги кунда ОПИК иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётига 200 миллион долларлик АҚШ сармояси киритилди. Унинг кўмагида фаолият кўрсатаётган ҳамда 1,2 миллиард маблағга эга бўлган 6 та жамғарма Ўзбекистон ва бошқа янги мустақил давлатлар иқтисодиётига янги-янги сармоялар солишни режалаштирмоқда.

Корпорация АҚШнинг мустақил агентлиги бўлиб, хорижий мамлакатларда Америка ишбилармонлари амалга ошираётган лойиҳаларни маблағ билан таъминлайди ва кутилмаган сиёсий ўзгаришлардан суғурта қилади.

2. Ҳиюстон

Маълумки, республикамиз бой нефть ва газ заҳираларига эга. Иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлмиш ёнилғи ва энергетика соҳасида ички эҳтиёжни қондириш, келгусида эркин муомаладаги валюта олиш манбаи бўлган нефть ва газни экспорт қилиш учун Американинг уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги илғор технологиялари зарур. Ўзбекистон собиқ СССР даврида катта-катта нефть ва газ заҳираларига эга бўлишига қарамасдан, ички эҳтиёжларини қондириш учун ҳар йили Россиядан 4-4,5 миллион тонна нефть олиб келишга мажбур эди. Мустақилликка эришилгандан сўнг ёнилғи-энергетика мажмуини ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошлади. Негаки, бу соҳада бошқа мамлакатларга қарамликдан қутулиш мамлакат тақдири ва келажагига дахлдор сиёсий масалага айланди. Мавжуд нефть ва газ заҳираларини қазиб олиш сармоя солишнинг энг истиқболли соҳаларидан бири бўлиб қолди.

Ислом Каримов Ҳиюстонда «Энрон груп оф энержи компаниез» корпорацияси раиси К.Лей, қароргоҳи Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган «АББ груп» транс миллий корпорациясининг президенти — ижрочи директори П.Барневикни қабул қилиб суҳбатлашди. «АББ груп» корпорацияси Ўзбекистон билан электростанциялар қуриш, роботлар ишлаб чиқариш ва саноатнинг бошқа соҳаларида ҳамкорлик қилади.

Президент, шунингдек, нефть ва газ қазиб олишга ихтисослашган «Юнокал» ва «Дельта» компаниялари раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Ўзбекистон нефть ва газ саноатининг инвестиция имкониятларига бағишланган конференция ва кўргазма айнан Техас штатининг пойтахти Ҳиюстон шаҳрида бўлиб ўтгани ҳам бежиз эмас. Американинг 5000 дан ошиқ энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ фирмалари, 200 дан ошиқ улкан ер ости бойликларини разведка қилиш ва ишлаб чиқариш фирмалари, 50 дан ошиқ қувур ишлаб чиқарадиган корхоналари, юзлаб энергетика тармоғи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, энг улкан нефть ва газ қазиб олиш ускуналари ишлаб чиқарадиган «Купер Индастриз», «Кийстоун», «Дрессер», «Ҳаллибертон», «Рид Тул» каби фирмалари, «Тексако», «Энрон» компаниялари қароргоҳлари Ҳиюстон минтақасида жойлашган.

Конференция чоғида «Ўзбекнефтьгаз» корпорацияси ва «Тексако» компанияси ўртасида қўшма корхона тузиш тўғрисидаги таъсис шартномасига ҳамда «Ўзбекнефтьгаз» билан «Энрон Ойл энд Газ Интернешнл» ўртасида газ конларини разведка қилиш ва ишга тушириш бўйича қўшма корхона тузиш шартлари тўғрисидаги шартномага қўл қўйилди. Шартномага кўра, Американинг мойлаш материаллари ишлаб чиқариш, нефть ва газ қазиб олиш борасидаги юксак технологиялари яқин ойлар ичида мамлакатимизга олиб келинади. «Тексако» компаниясининг 1995 йили олган даромади 36.8 миллиард долларни ташкил этди. У АҚШнинг 15 та энг йирик корпорациялари қаторига киради.

Ёнилғи-энергетика соҳасида мустақилликка эришиш нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш билан биргаликда мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш ҳам талаб этилади. Масалан, АҚШ Конгресси биносида Президент Ислом Каримов ва Теннесси штатининг губернатори Т.Сандквест, теннессилик сенаторлар иштирокида Ўзбекистонда «Газмоторс» ва «Газкомпрессор» қўшма корхоналари тузиш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди. Бу соҳада Американинг «Американ Инжениринг Инк.» (Мемфис,Теннесси), «Экспрофиюлс» (Сан-Антони, Техас) компаниялари ҳамда «Ўзавтотранс» ва Сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлик қилмоқда. «Експрофиюлс» президенти Т.Гоуз буни тарихий лойиҳа, деб баҳолади. Негаки, дунё бўйича илк марта 200 мингта енгил автомашина, автобус ва юк машинасини бензиндан суюлтирилган табиий газга ўтказиш борасида бундай кенг миқёсли лойиҳа амалга оширилади. Ўзбекистон бу билан атроф-муҳитни муҳофаза қилишга интилаётган мамлакатларга намуна бўлиши турган гап. Ҳисоб-китобларга қараганда, машиналарни суюлтирилган табиий газга ўтказиш ҳар бир машинадан атфосферага чиқаётган зарарли моддаларни бир йилда 2 фунт (900 грамм атрофида), жами эса 400 минг фунт камайтиради. Дастлабки беш йилда 1.2 миллиард галлон (бир галлон 3.79 литрга тенг) бензинни иқтисод қилишга имкон беради.

Конгресс биносида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан АҚШнинг жанубий штатлари кенгаши ва АТИ (Америка Техника институти) ўртасида эзгу ниятлар протоколи ҳам имзоланди.

3. Денвер

Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор ва бақувват соҳаларидан яна бири қазилма бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлаш саноатидир. Маълумки, Американинг машҳур «Ньюмонт Майнинг» корпорацияси мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон иқтисодиётига дадил кириб кела бошлади. Республика ҳукумати билан биргаликда Зарафшон шаҳрида қолдиқ рудадан олтин ажратиб оладиган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси 18 ой ичида қурилиб, ишга туширилди. Қўшма корхона қурилишига «фифти-фифти», яъни тенг шериклик асосида 225 миллион АҚШ долларига тенг бўлган сармоя солинди.

АҚШ компаниялари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келган «Ньюмонт Майнинг» корпорацияси қароргоҳи жойлашган Колорадо штатининг Денвер шаҳрида республикамиз бойликлари ва имкониятларини таништириш мақсадида «Ўзбекистонда тоғ-кон саноатига ва минераллар қазиб олишга сармоя солиш имконияти» мавзусида конференция ва кўргазма уюштирилди.

Конференцияда иштирок этиш учун бу ерга ташриф буюрган Ўзбекистон Президенти Колорадо штати губернатори Р.Ромер билан учрашди ва Ўзбекистон ҳукумати билан Колорадо штати ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Президент мазкур конференцияда сўзлаган нутқида ҳам анжуман иштирокчилари эътиборини Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари, мавжуд сиёсий-ижтимоий барқарорлик, чет эллик бизнесмен ва сармоядорлар учун яратилаётган қулай молиявий, иқтисодий шарт-шароитларга, хорижий шериклар билан йўлга қўйилаётган ўзаро манфаатли алоқалар таҳлилига қаратди. Анжуман чоғида Денвер минтақаси ишбилармонларини ҳар икки томон учун фойдали иш бирлигига даъват этар экан, мисол излаб юриш ҳам шарт бўлмади. Унинг иштирокчилари «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган 99,99 пробали илк олтин қуймасини ўз қўллари билан ушлаб кўриш имкониятига эга бўлишди. Президент айтмоқчи, американликларни реклама ёки рақамлар билан ҳайратга солиб бўлмайди. Лекин фактлар ўжар бўлади, улардан қочиб қутула олмайсан.

28 июнь куни Ислом Каримов «Ньюмонт Майнинг» корпорациясининг бош қароргоҳига ташриф буюриб, унинг президенти Р.Кембри билан учрашди, музокаралар ўтказди. Учрашув сўнгида Ўзбекистон Давлат геология қўмитаси билан «Ньюмонт Майнинг» ўртасида олтин конларини қидириб топиш ва разведка қилиш борасида қўшма корхона тузиш, Ўзбекистон Давлат геология қўмитаси билан «Ньюмонт Майнинг» ҳамда «Мицуи» корпорациялари ўртасида олтин конларини биргаликда ишга тушириш борасида уч томонлама битим имзоланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ҳамкорлик ҳаритасида, элчи жаноблари С.Эскудеро таъбири билан айтганда, Буюк ипак йўли бўйида яна икки шаҳар — Ҳиюстон ва Колорадо пайдо бўлди.

Бир вақтлар Европа мамлакатларидан Осиё қитъасига юк ташиш учун арзон денгиз йўли очилиши туфайли Ипак йўли инқирозга юз тутган эди. Эндиликда Буюк ипак йўли ўша денгиз йўлларига муқобил сифатида эмас, аксинча, Марказий Осиё давлатларидан сув йўлларига чиқиш учун қайта тикланмоқда.

Дарҳақиқат, Президентнинг Америка бўйлаб бир ҳафталик сафари давомида энг кўп ишлатилган ибора «стратегик ҳамкорлик» десак хато бўлмайди ва у сафарнинг мазмунини ҳам ўзида тўла ифодалайди.

Ислом Каримов Америка бизнеси ва сармоялари эркин кириб келиши учун Ўзбекистон иқтисодиёти дарвозалари очиқ эканини, ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслигини баён қилди.

Бугунги дунёда иқтисодиёт ва хавфсизликни бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода бизнес ва тинчликнинг моҳиятини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини теран англайдиган Ўзбекистон Президентининг (АҚШ энергетика вазири Г.О'Лири мулоҳазаси) ЕИга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Флоренцияда бўлиб ўтган саммити ва Америка Қўшма Штатларига зиёрати ўзбек давлатчилигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётини ривожлантириш йўлида тарихий воқеа бўлди.

Ўзбекистон Президентининг Америка Қўшма Штатларига сафари якунлари хусусида гапирганда, юқорида айтганимиз стратегик ҳамкорликка тегишли қуйидаги жиҳатлар кўзга ташланади:

Биринчидан, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларга сиёсий замин ҳозирланди. Ислом Каримовнинг Б.Клинтон билан учрашуви нафақат Ўзбекистон, қолаверса, бутун Марказий Осиёдаги воқеалар ривожига таъсир ўтказади, мавжуд муаммоларни ечишга туртки бериши шубҳасиз.

Иккинчидан, Америка бизнеси ва сармояларининг Ўзбекистон иқтисодиётига эркин кириб келиши учун йўл очилди. Республикамизнинг иқтисодий имкониятлари, бой табиий ресурслари дунёнинг бошқа бирор мамлакатида бу қадар муфассал таништирилмаган эди.

Учинчидан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган ва қилишни истаётган Америка ишбилармонлари учун республиканинг сиёсий-ижтимоий аҳволи, иқтисодий салоҳияти, иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган чет эл сармояси учун яратилган шарт-шароитлари тўғрисидаги ахборот тақчиллиги бартараф этилди.

Тўртинчидан, биз билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш нафақат бизнесменлар учун манфаатли, қолаверса, миллий хавфсизликни таъминлаш учун кафолат бўлиши мумкин. Чунки иқтисодий ҳамкорлик бор жойда манфаат, манфаат бор жойда эса уни ҳимоя этиш, хавфсизлигини таъминлаш зарурати бор.

Ҳали Ислом Каримовнинг АҚШга сафари тўғрисида кўп ёзилади, турли мулоҳазалар айтилиши муқаррар, лекин ушбу сафар Ўзбекистон - АҚШ ўртасида шаклланиб келаётган стратегик муносабатларнинг тамал тоши бўлиб қолишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Фахриддин НИЗОМ,
«Халқ сўзи» учун
махсус ёзилган.

ХУФИЯЛИКДА АЙБЛАНДИ

ГФРда собиқ мухолифатдаги сиёсатчи Шарқий Германия фойдасига хуфиялик қилганда айбланди.

Карл Винанд ўтган давр мобайнида парламентда социл-демократлар гуруҳига бошчилик қилган. У кейинги ўн йилликлар ичида ГДР фойдасига хуфиялик қилганлиги учун икки йил озодликдан маҳрум этилиб, мукофот тариқасида олган 660 минг доллар пулни қайтаришга ҳукм қилинди. Ҳозир Винанд 69 ёшда. У хуфиялик фаолиятини тан олмаётир. Фақат Шарқий Германия ишчилари билан иш юзасидан учрашганлигини таъкидламоқда.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ БИЛАН КИФОЯЛАНДИ

Сингапур суди канадалик ғаввос ва сингапурлик ер ўлчовчини тўққиз йил озодликдан маҳрум қилди.

Чунки бу икки шахсдан 7,7 фунт марихуана топилди. Қонун бўйича бундай жиноят учун ўлим жазоси берилар эди. Аммо бу сафар суд уларни озодликдан маҳрум қилиш билан кифояланди.

ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Жаҳон банки тақдим қилган маърузага қараганда Жанубий Осиё мамлакатларидаги камбағаллар ҳаёти тобора яхшиланмоқда.

Болаларнинг мактабга қатнаши йилдан-йилга кўпайиб, одамларнинг умри анчагина узаймоқда.

Германия қадимий обидалари.

ИККИ БАРОБАР ОРТДИ

Жанубий Африка Республикасида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу мамлакатда ўпка касали билан оғриш кўпаймоқда.

Мамлакат аҳолисининг 60 фоизи ушбу касалликка чалинган. Бу жаҳон кўрсаткичидан икки баравар ортиқдир. Ҳар йили уч мингдан ортиқ жанубий африкаликлар бу касалликдан вафот этмоқдалар.

ОВОЗ БЕР – ЮТҚАЗМАЙСАН!

Россияда бугун бўлиб ўтаётган президентлик сайловининг иккинчи турига ҳам томонлар пухта тайёргарлик билан келишди.

Айниқса, Борис Ельцин тарафдорларининг шиори ўзига хосдир. Чунки сайловчиларнинг овоз беришда сусткашлиги коммунистлар ғалабасига олиб келиши мумкин. Шу боис Президент тарафдорлари «Овоз бер — ютқазмайсан!» шиори билан иккинчи турга келишди.

БИЗНЕС МАКТАБИ

МУДДАТЛИ БИТИМЛАР

Биржа бозорида икки хил битим бўлади: кассали ва муддатли. Муддатли битимлар ҳам ўз навбатида репорт ва депорт битимларга бўлинади.

РЕПОРТ — маълум бир муддатдан сўнг янги, яъни юқори курс бўйича пул тўлаш мажбуриятини олган ҳолда қимматбаҳо қоғозлар сотиш бўйича муддатли биржа битимидир. Унда қимматли қоғозни сотган томон маълум вақт ўтгач, юқори курс бўйича пул тўлаб, уларни қайтиб олади.

ДЕПОРТ — бу репортнинг акси бўлиб шу кундаги курс бўйича қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва маълум вақтдан сўнг пасайган курс бўйича сотиб олиш тўғрисидаги битимдир.

ПУЛИМИЗ ТЎЙГА САРФЛАНАДИГАН БЎЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексациялаш тўғрисидаги мамлакат Президенти фармони изчил бажарилмоқда. Шу мақсадда Халқ банкининг 306 бўлим ва шохобчасида жиддий иш олиб борилди. Қисқа муддатда 146 минг кишига омонат дафтарчаси очилди. 1 июль куни омонатлардаги тегишли маблағнинг 10 фоизи тўлана бошлади. Дастлабки куниёқ омонатчиларга 5 миллион сўмдан кўпроқ пул тарқатилди.

* * *

Бутун мамлакатимиздагидек, Жиззахдаги Халқ банкининг марказий бўлимида 1 июль куни аҳоли жамғармаларидаги пулларнинг 10 фоизи тўлана бошлади.

— Мен 1990 йилда омонат кассага яхши ният билан 18 минг сўм қўйган эдим, — дейди Жиззах туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги тракторчиси Абдулла Эшбулов. — Президентимизнинг халқчил фармони туфайли омонатдаги пулим 76 минг сўм бўлибди. Мана бугун шу пулнинг 10 фоизини олдим. Тўйга деб йиққан пулим тўйга буюрадиган бўлди.

(ЎзА).

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Андижонда биринчи марта бўш ўринлар ярмаркаси ўтказилди. Уни шаҳар меҳнат биржаси ва «Камолот» ёшлар жамғармаси бўлими ташкил этилди. Ярмаркада бу ердаги аксарият саноат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналари ва ташкилотлари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўзларидаги бўш ўринларни таклиф этди. Натижада 254 киши, асосан ёшлар доимий иш билан таъминланди. Кўпгина кишилар янги касб ўрганишга йўлланма олди.

• Қимматли қоғозлар бозори

АКЦИЯЛАРНИНГ ХАРИДОРИ КЎПАЙМОҚДА

Наманган вилоятидаги Дон маҳсулотлари, «Нотўқима», Поп туманидаги 12-автокорхона, Янгиқўрғон туманидаги «Таъмирлаш» ва меваларни қайта ишлаш корхоналари қалдирғоч ҳиссадорлик жамиятлари саналади. Бугунги кунда ушбу жамиятлар акцияларининг нархи 2-3 ҳисса ошди. Пировардида эса акциядорлар бунинг эвазига 400 фоизгача дивиденд олдилар.

Кейинги пайтларда вилоятда бундай жамиятларнинг сони тобора кўпаймоқда. Мавжуд 300 дан ортиқ акционерлик жамиятининг аксарият қисми эса аллақачон ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олган. Бу, албатта, одамларда мулкка эгалик қилиш ҳисси, уларда «менинг мулким» деган тушунчанинг шакллана бошлаганидан далолатдир.

Масалан, ўтган йилнинг бошларида акционерлик жамиятлари ўз акцияларини сотишда анча қийналганди. Негаки, қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолган кишилар дастлаб қимматли қоғозлар, жумладан, акциялар даромад манбаи эканлигига унчалик ишонишмаган эди. Ўша йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса қимматли қоғозлар ва акциялар бозори аста-секин жонлана бошлади. Бугунга келиб, юқорида номлари қайд этилган корхоналарнинг ҳаммасида акциялар сотиб бўлинган. Бунда, албатта, «Тошкент» республика фонд биржаси ва миллий инвестиция фондининг вилоятдаги бўлимларининг ҳиссаси катта. Ҳар иккала бўлимнинг махсус фонд дўконлари мавжуд. Хусусан, фонд биржаси қошида учта, миллий инвестиция фондининг 6 та дўкони фаолият кўрсатмоқда.

Бултур вилоят бўйича акционерлик жамиятларининг 45 миллион сўмлик акцияларини эркин савдода сотиш режалаштирилган эди. Якунда эса бу кўрсаткич 60,7 миллион сўмни ташкил этди. Шундай бўлса-да, фонд дўконлари орқали жисмоний ва юридик шахсларга акцияларни нақд пулга сотиш режаси кўнгилдагидек уддаланмади. Республика фонд биржасининг бўлимида 165,7 минг, миллий инвестиция фондининг бўлимида 172 минг сўмлик савдо қилинди, холос. Уларнинг раҳбарлари бундан ҳамон тегишли хулоса чиқариб олмаганлар, шекилли. Сабаби, жорий йилнинг биринчи чорагида нақд пулга 7,2 миллион сўмлик ўрнига 7 миллион сўмлик, фонд биржасининг бўлими дўконларида 35,2, миллий инвестиция фонди бўлими дўконларида эса 6,7 миллион сўмлик акциялар сотилган. Рақамларнинг бунчалик фарқланишини қандай изоҳлаш мумкин?

Аслида республика фонд биржасининг бўлими ходимлари акцияларни нақд пулга сотишнинг афзалликлари тўғрисида омма ўртасида тушунтириш ишларини етарли олиб бормаяпти. Масалан, шу пайтга қадар матбуот, радио ва телевидениеда ушбу бўлим раҳбари Р. Маматхўжаев ёки унинг ходимларидан бирортаси чиқиш қилмаган. Устига устак, туманларда фонд дўконлари очиш, брокерлик идоралари ташкил этиш ишларига етарли эътибор берилмаётир.

Республика миллий инвестиция фондининг бўлимида эса бу борада бирмунча иш бажарилган, дейиш мумкин. Хусусан, қисқа муддат мобайнида Учқўрғон, Чуст ва Давлатобод туманларида унинг 4 та дўкони очилди. Мутахассислар эса маҳаллий газеталар ва телевидение билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган.

— Шу ойнинг охиригача вилоятнинг барча туманларида ўзимизнинг фонд дўконларимизни очамиз, — дейди республика миллий инвестиция фондининг Наманган бўлими бошқарувчиси Умаржон Исанов. — Кейинги босқичда эса қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида, маҳаллаларда ҳам махсус дўконлар ташкил этилади. Мақсадимиз битта: аҳоли ичига кириб бориб, қимматли қоғозлар бозорида уларнинг иштирокини таъминлаш.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Долзарб мавзу

НАФАҚАТ ТОҒ-КОН САНОАТИНИ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАЙМИЗ, БАЛКИ...

«Стройинвестпроект» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бош директори Мурод ЮСУПОВ билан мулоқот

— Бозор иқтисодиётига ўтиш шунчаки ўйлаб топилган ибора ёки ўткинчи жараён эмас. Уни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис у ишбилармону тадбиркорларнинг сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратиб бераяпти. Тадбиркор раҳбар сифатида сиз бунга қандай муносабат билдирасиз?

— Қадимий қўлёзмаларда нақл этилишича, тижорат билан шуғулланувчи тадбиркор киши «тожир» деб юритилган. У, албатта, беш хислатнинг соҳиби бўлмоғи лозим экан. Яъни булар: тақво (ҳаромдан ҳазар қилиш, киши ва давлат мулкидан қўрқиш), одиллик (қилаётган ҳар бир ишида, савдосида адолат юзасидан сўзлаш, фикр юритиш), жасорат (халқ, эл-юрт, давлат манфаати йўлида ҳаётда учрайдиган табиий тўсиқлардан чўчимаслик), илтифотлилик (ҳалол меҳнат билан йиққан мол-давлатидан камбағалу бева-бечораларга хайр-эҳсон қилиш) ва ростгўйлик (агар миллион динор фойда келса-да, қилаётган ишларида ёлғон сўзлаб, давлат ғазнасидан бойлик талаб қилмаслик).

Ота-боболаримиздан қолган ана шу бебаҳо хислатларга юртимиздаги ҳар бир ишбилармон амал қилишлигини жуда-жуда истардим.

— Бугун мустақил республикамизда нима кўп — қўшма корхона кўп. Сиз раҳбарлик қилаётган корхона — шулардан бири. Жамоангиз Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига, мамлакатимизнинг жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришига қандай ҳисса қўшаётир?

— Бизнинг қўшма корхонамиз мамлакат саноати, хусусан, кимё тармоғи учун илмий ишланмалар, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда йўналтирилган. Шу мақсадда хорижий сармояларни юртимизга олиб киришга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг самараси ўлароқ, Чирчиқ шаҳридаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати маъмуриятига бозор тамойилларига мос дастурни ишлаб чиқишда ёрдамлашдик. Ушбу дастурга мувофиқ, корхонада тайёрланадиган вольфрам ва молибден концентратлари келгусида жаҳон бозорида ҳам энг рақобатбардош маҳсулот бўлиб қолади. Бу — биринчиси. Иккинчидан, собиқ Иттифоқ даврида ўзаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш борасида ҳам саъй-ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳридаги «Труд», Иркутскдаги оғир машинасозлик, Усть-Каменогорскдаги тоғ машинасозлиги заводлари, Красноярскдаги оғир экскаваторлар комбинати, «Уралбурмаш» ва «Уралмаш» корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Улар шартномага биноан, Ўзбекистон тоғ-кон саноати учун зарур эҳтиёт қисмларни етказиб берадилар. Бурғулаш ускуналари, қуюлтурувчи моддалар, рудани чўкма ҳолида ажратадиган агрегатлар, флотация машиналари, тоғ жинсларини майдаловчи мосламалар, рудани кукун ҳолатига келтирувчи тегирмонлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, «Ўзкимёсаноат» ассоциацияси ва новосибирсклик мутахассислар билан ҳамкорликда тоғ жинсларини бурғулаш жараёнида ҳосил бўладиган кукунсимон моддадан литий корбонати олишни ўзлаштирмоқчимиз. Сабаби, биринчидан, хорижий мамлакатларда бундай маҳсулотга талаб катта. Иккинчидан, янги усул табиий муҳитнинг ифлосланишини муҳофаза этиш ва аҳолининг саломатлигини яхшилашга хизмат қилиши билан бирга, қўшимча ишчи ўринларининг пайдо бўлишига олиб келади.

— Келгусидаги режаларингиз хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Биз ҳозирги кунда «Ўзкимёсаноат» ассоциацияси мутахассислари билан ҳамкорликда каустик сода (ўювчи натрий) ишлаб чиқарадиган янги корхонани ишга тушириш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб бораяпмиз. Унинг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилди. Заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилгач, йилига 24 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади. Бу нима дегани? Шу пайтгача республикамизга валюта ҳисобига четдан туз кислотаси ва хлор олиб келинарди. Энди бунга ҳожат қолмайди. Чунки улар маҳаллий хомашёни қайта ишлаш орқали ҳосил қилинадики, бу мамлакат иқтисодиёти учун жуда катта наф келтиради, демакдир. Бу борада Американинг «Оксидентл-Петролеум корпорейшн» корпорацияси мутахассислари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Италиянинг «Технипитрол» компанияси вице-президенти Винчинцо Косма бошчилигидаги ишбилармонлар билан учрашиб маълум доирада келишувга эришилди. Шу билан бирга хориждан тиббиёт ускуналари, дори-дармонлар келтириш муаммосини ечишга ҳам эътибор қаратаяпмиз.

Яна бир янгилик: Қизилқумда қурилаётган фосфорит комбинати дирекцияси билан қўшма корхонамиз ўртасида тузилган шартномага кўра, заводни жиҳозлаш учун бир қатор асбоб-ускуналар олиб келишга эришилди.

«Халқ сўзи» мухбири
Шодиёр КАРИМОВ
суҳбатлашди.

• ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ҚЎЙ ЎҒРИЛАРИ

ЁКИ ЎН КИШИЛИК УЮШГАН ЖИНОИЙ ГУРУҲ УЧ КУНДА ҚЎЛГА ОЛИНГАНИ ҲАҚИДА

Жиззах тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция майори Шароф Назаров бошлиқ тезкор тергов гуруҳи жонбозлиги ҳақида ёзишимизга равотлик фуқароларнинг миннатдорчилик хати сабаб бўлди.

Улар вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига хат йўллаб, қўйларини ўғирлаб кетган номаълум шахсларни қисқа муддатда тутиб келган милиция ходимлари ҳақида матбуотга хабар қилишини сўрашибди. Шу муносабат билан воқеани ўрганиб чиқдик. Жиноят қидирув бўлими ходимлари С. Мелибоев, П. Элмуродов, терговчилар Б. Жўраев, Р. Худойқулов, А. Қодиров ва бошқалардан иборат тезкор гуруҳнинг икки-уч кунлик серташвиш кунлари, бедор тунлари, антиқа «тадқиқот»лари эътиборга лойиқ.

Биринчидан, жабрланувчилар янги йил арафасида ўғирлик содир этилганидан бир кун кейин навбатчилик бўлинмасига хабар қилишган. Тезкор гуруҳда бир кун ичида ўғрилар бемалол қўйларни вилоят ҳудудидан олиб чиқиб кетишлари мумкин, деган шубҳа туғилди. Аммо шундай бўлса-да, чегара постларида навбатчилик ташкил этиш, барча юк машиналарини текширишдан ўтказиш бўйича буйруқ берилди. Терговчилар эса изқуварликни, аввало, Ровотга қўшни бўлган Бўстон посёлкасидан бошлашди. Гумон ёки тахмин бўлса-да, бунга асос бор эди. Чунки илари ҳам уч марта посёлкага яқин бўлган Бобур жамоа хўжалиги ҳудудидан, Танги қишлоғи яйловидан, «Олтинсой» боғдорчилик ширкат хўжалиги қўтонидан аҳолига ва давлатга тегишли қора моллар, қўй-эчкилар ўғирланган бўлаб, жиноятчилар қилиқилаётган эди. Воқеа жойи ўрганилганда ўғирлик тафсилоти бир хил эканлиги аниқланди. Чорва моллари ҳар сафар беш-олти чақиримга, яъни ортиш учун қулай жойга ҳайдаб келинган. Яйловларда «ЗИЛ» ва «ГАЗ» маркали машиналарнинг «баллон»и излари қолган. Қизиғи шундаки, чор-атрофдан келган излар нуқул Бўстонга яқин келиб туташарди.

Терговчилар шу боис Бўстон посёлкасида яшовчи, олдинлари шунга ўхшаш жиноятларни содир этиб, қамалиб келган шахслар ёки ўғирлик қилишга мойил деб гумон қилинганлар, тайинли иш жойлари бўлмаган фуқароларни тергай бошладилар.

Ва... калаванинг учи топилиб қолди. Жиззах— Қўқон йўлининг Ровотга бурилиш жойида ДАН катта нозири М. Азимов бошлиқ постда Бўстон тарафдан келаётган иккита «ЗИЛ» ва битта «ГАЗ-53» автомашина тўхатилди. Аниқланишича, давлат белгиси 35-46 ДДГ бўлган автомашина 2517-автокорхонага, 01-31 ДДЛ автомашинаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Ғаллаорол бўлимига тегишли, учинчиси Б43-30 ДД эса шахсий машина экан. Йўл нозири машина кузовларини кўздан кечирганида қўй ғунгли, биттасида эса қўй терисини кўриб қолади ва учала машинани ҳам Ҳайдаробод қишлоғига олиб келиб, тезкор гуруҳга топширади.

Сўроқ пайтида машина ҳайдовчилари А. Мусурмонов, Ж. Эгамбердиев, Х.Ҳайитбоевлар Бўстон посёлкасида яшовчи ташишлари Э. Қ. ва унинг шериклари томонидан Ровот қишлоғи даласидан кўп қўйларни ортиб, Марғилон қўй бозорига тушириб қайтганларини, кира ҳақига ҳар бири беш минг сўм Мўғол қишлоғидан қариндоши Қ.С.ни ҳамда унинг Сирдарё туманида яшовчи укаси Қ.С.ларни жалб қилиб, фақат яйловлардан чорва молларини ўғирлаб сотиб, фойдани ўртада тенг бўлиб келадилар.

Тергов жараёнида 1995 йил давомида улар шунга ўхшаш яна учта жиноят содир этишгани аён бўлди. Жумладан, 29 июль куни Бобур номли жамоа хўжалиги даласидан 7 бош қорамолни, 5 август куни Танги қишлоғи тоғ ён бағридан 9 бош қорамолни ўғирлаб, Самарқанд шаҳрининг Панжоб маҳалласидаги Хишров мол бозорида пуллашган. 11 октябрь куни эса «Олтинсой» боғдорчилик ширкати хўжалигидан 50 бош қўй ўғирлаб, Марғилон бозорида сотишган.

Айблари очилмаётгани, чўнтакларига мўмай пул тушаётганидан илҳомланган ўғрилар фаолиятларини янада «кенгайтириб» юборишдилар. Янги шериклар орттирдилар. Ниҳоят, тўртинчи, каттароқ жиноятга қўл уриб, ровотлик фуқароларнинг 136 бош қўйи, етти бош эчкисини Марғилон бозорида сотаётганларида, жиноят устида қўлга олиндилар.

Маълум бўлишича, жиноий гуруҳнинг беш аъзоси муқаддам судланган, турли жазо муддатларини ўтаб келган шахслар экан. Улар ўз ўғирликлари оқибатида фуқароларга 422 минг сўмлик моддий зарар етказганлар. Шундан 72 минг олти юз сўми ундирилиб, эгаларига қайтарилди. Иккита «Жигули» автомашинаси жиноят қуроли сифатида тортиб олинди...

Х. АХМУРОДОВ,
Жиззах туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция капитани.
Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Республикамиз мустақиллиги туфайли халқимизнинг миллий қадриятлари тобора ҳаётимизда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда.

Маълумки, 1996 йил ЮНЕСКОнинг қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан "Амир Темур йили" деб эълон қилинган. Шу улуғ санага Тошкентнинг энг кўркам оромгоҳларидан бири Амир Темур хиёбонида Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда ва унинг замонавий, муҳташам биноси қад ростламоқда.

Шу боис маъмурият музейнинг кўргазма залларини бойитиш мақсадида Сизлардан соҳибқирон Амир Темур ва Темурийларга оид тарихий қимматга эга бўлган ашёвий ёдгорлик намуналари, қўлёзма ва тошбосма асарлар, ноёб архив ҳужжатларини республикамиз фуқаролари ва хорижда яшаётган ватандошларимиздан ҳадя сифатида қабул қилади ва келишилган нархларда сотиб олади.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Тошкент ш., Шароф Рашидов кўчаси, 3-уй.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи.
"Темурийлар тарихи давлат музейининг ишчи гуруҳи".

ТЕЛЕФОН: 39-10-83.

АВТОКЛУБ

Ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг сақланишини таъминлаш қоидаларини бузишга қандай жазо қўлланилади?

Р. Акбаров,
Шаҳрисабз тумани.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 146-моддасига мувофиқ, темир йўлнинг юк ташиш учун мўлжалланган қатнов таркибига, контейнерларга, сузувчи ва бошқа транспорт воситаларига, шунингдек, юк ташувчи мосламаларга шикаст етказиш — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳаво кемалари, юк вагонлари, автомобиллар, автомобиль тиркамалари, контейнерларнинг, сузувчи воситалар трюмлари ва бошқа юкхоналарининг пломбаларига ва бекиткич қурилмаларига шикаст етказиш, уларнинг пломбаларини бузиш, айрим юк ўринларига ва юк ўрамаларига, пакетларига, юк қўраларининг, темир йўл станцияларининг, юк автомобиллари станцияларининг, контейнер пунктларининг (майдончаларининг), портларнинг (пристанларнинг) ва юк ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш учун фойдаланиладиган омборларнинг тўсиқларига шикаст етказиш, шунингдек, тегишли рухсати бўлмай туриб юк қўраларига, контейнер пунктларига (майдончаларига), портлар (пристанлар), шлюзларнинг юк турган ҳудудларига (жойларига) ва юқорида зикр этилган омборларга кириш — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

* * *

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузганларга ҳам маъмурий чора қўлланиладими?

О. Муқимов,
Ғазалкент шаҳри.

Ушбу қонуний ҳужжатларнинг 149-моддасига биноан, автомобиль йўлларига ажратилган минтақага туташ жойлардаги ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг умум фойдаланишдаги йўлларидаги аҳоли пунктлари доирасида, ўзларига бириктириб қўйилган ер майдони чегарасида пиёдалар юрадиган йўлаклар ва улар ўтадиган кўприкчалар қуриш, уларни таъмирлаш ва мунтазам ораста туриш мажбуриятларини, шунингдек, ўзларига бириктирилган ер майдонидан чиқиш йўлларини ёки умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларига келиб туташадиган йўлларни, шу жумладан, кесиб ўтиладиган кўприкларни техник жиҳатдан соз ҳолда ва озода сақлаш мажбуриятларини бажармаслик —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

* * *

Хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузганларга ҳам чора борми?

Р. Жўлдасов,
Конимех тумани.

Темир йўл, ҳаво ва сув транспортида қўл юки сифатида ёнувчан, заҳарловчи, тез алангаланувчи, портловчи ҳамда заҳарли моддалар ва ашёларни олиб юриш қоидаларини бузиш — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юк сақлаш камерасига портловчи, тез алангаланувчи, заҳарли ёки балбўй моддалар ва ашёларни топшириш — ана шу моддалар ва ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиб ёки олиб қўймай ёхуд мусодара қилиб ёки мусодара қилмай энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Троллейбусда, трамвайда, метрополитенда, автобусда, маршрут таксисида портловчи, тез алангаланувчи, заҳарловчи ҳамда заҳарли моддалар ва ашёларни олиб юриш — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

«ГЕРМАНИЯ МАШИНАСИ» ЯНА ҒОЛИБ

• Футбол

Германия ва Чехия терма жамоалари бундан йигирма йил муқаддам Европа чемпионатининг финалида учрашган ва унда пенальтилар бўйича омад чехияликларга қулиб боққан эди. Бундан йигирма кун муқаддам улар ўнинчи чемпионатнинг «С» гуруҳи баҳсларида бир-бирига қарама-қарши келиб, бу сафар германияликлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди.

Мутахассисларнинг таъбири билан айтганда, «ўлим гуруҳи»да муваффақиятли тўп суриб, қурашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлган бу терма жамоалар йўли яна финалда кесишди. Учрашув тугашига йигирма дақиқа қолганда чехияликлар 1:0 ҳисобида устун келишаётган эди. Голдан сўнг чехияликлар майдонда фаолроқ ҳаракат қила бошлаган, Германия терма жамоаси бош мураббийси Берти Фогтс ҳакамнинг қароридан норози бўлиб, ўз ўрнини ташлаб кетаётган бир пайтда заҳирадан ўйинга чиққан Оливер Бирхофф ҳисобни тенглаштирди. Натижада яна йигирма йил олдинги финал учрашувидагидек қўшимча вақт белгиланди. Бу сафар воқеалар ривожи пенальтиларгача етиб бормади. Айнан Оливер Бирхофф «олтин тўп» киритиб, ўз жамоасининг учинчи бор Европа чемпиони бўлишини ва қарийб 8,5 миллион долларни қўлга киритишини таъминлади.

Навбатдаги Европа чемпионатидан қандай хулосалар чиқариш мумкин. Жаҳон чемпионатида «диспетчерлар» ва «юлдузлар» фаоллигги замонавий футбол тамойилларини белгилаган бўлса, Европа чемпионати бутун жамоа бўлиб ўйнаш афзалроқ эканлигини кўрсатди. Бу галги чемпионатда Пеленинг «Рақиблар бизнинг дарвозани неча марта ишғол этса этаверсин, биз битта кўп гол урамиз» деган ақидаси эмас, балки аввал ҳимоя, сўнг ҳужум услуби кўпроқ намоён бўлди. Германия ва Чехия терма жамоалари ўртасидаги финал учрашувида ҳам бу яққол кўзга ташланди. Биринчи бўлим давомида жамоаларнинг кўпроқ ҳимояга эътибор қаратгани туфайли дарвозалар олдида хавфли вазиятлар жуда кам содир этилди. Ҳакамнинг «хато»си туфайли пенальтидан чехияликлар ҳисобни очишгандан сўнг «Германия машинаси» иш берди. Агар чехияликлар ҳужумкорликка зўр бермай, яна ҳимояда туриб олишганда учрашув тақдири бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин эди. Чунки тезкорликка асосланган «Германия машинаси» айнан қарши ҳужумда фаолроқ ҳаракат қилади ва натижа беради. Умуман олганда кейинги даврдаги барча йирик халқаро футбол турнирларида қарши ҳужум услуби кўпроқ яхши натижа бераяпти. Эсингизда бўлса, XII Осиё ўйинларининг ғолиби ҳам айнан шу услубда муваффақият қозонган эди.

Европа чемпионатидан олинадиган яна бир хулоса шундаки, дунё майдонларида кўпол ўйинларга қарши аллақачон «ҳужум» бошланган. Демак бизнинг ҳакамларимизнинг ҳам мамлакат чемпионатларида кўпол ўйинчиларга нисбатан янада муросасиз муносабатда бўлиши талаб этилади.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ «ОЙНА»СИ

Ҳақиқий футбол ишқибози учун малакали мутахассиснинг узундан-узоқ шарҳидан ҳам кўра қисқача ифодаланган факт ва рақамлар афзалроқдир. Зеро, тарих қайта варақланаётганда ҳам маълум кишиларнинг субъектив фикрларига эмас, балки айнан шу рақамларга кўпроқ эътибор берилади. Биз ҳам кўпчилик муштарийларимизнинг истакларини инобатга олиб, чемпионат «ойна»сини чоп этишни лозим топдик.

«А» ГУРУҲИ

Англия-Швейцария — 1:1 (Ширер-Тюркльмаз), Голландия-Шотландия — 0:0, Швейцария — Голландия — 0:2 (Круифф— Бергкамп), Англия — Шотландия — 2:0 (Ширер, — Госкойн), Шотландия — Швейцария — 1:0 (Маккойст), Англия — Голландия — 4:1 (Ширер-2, Ширенгем-2 — Клюйверт).

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Англия	3	2	1	0	7:2	7
2. Голландия	3	1	1	1	3:4	4
3. Шотландия	3	1	1	1	1:2	4
4. Швейцария	3	0	1	2	1:4	1

«В» ГУРУҲИ

Испания — Болгария — 1:1 (Альфонсо — Стоичков), Руминия — Франция — 0:1 (Дюгарри), Болгария — Руминия — 1:0 (Стоичков), Франция — Испания — 1:1 (Жоркаефф — Каминеро), Франция — Болгария — 3:1 (Блан, Локо, Пенев (ўз дарвозасига) — Стоичков), Руминия — Испания — 1:2 (Радичою — Манхарин, Амор).

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Франция	3	2	1	0	5:2	7
2. Испания	3	1	2	0	4:3	5
3.Болгария	3	1	1	1	3:4	4
4.Руминия	3	0	0	3	1:4	0

«С» ГУРУҲИ

Германия — Чехия — 2:0 (Циге, Меллер), Италия — Россия — 2:1 (Казираги-2 — Цимбаларь), Чехия-Италия — 2:1 (Немец, Бейбл — Кьеза), Россия — Германия — 0:3 (Заммер, Клинсманн — 2), Россия — Чехия — 3:3 (Мостовой, Тетрадзе, Бесчастних — Сухопарек, Кука, Кубик), Италия — Германия — 0:0.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Германия	3	2	1	0	5:0	7
2. Чехия	3	1	1	1	5:6	4
3.Италия	3	1	1	1	3:3	4
4.Россия	3	0	1	2	4:8	1

«Д» ГУРУҲИ

Дания — Португалия — 1:1 (Б. Лаудруп — Са Пинту), Туркия — Хорватия — 0:1 (Влакович), Португалия — Туркия — 1:0 (Коуту), Хорватия — Дания — 3:0 (Шукер-2, — Бобан), Хорватия — Португалия 0:3 (Жоас Пинту, Фигу, Домингуш), Туркия — Дания — 0:3 (Б. Лаудруп — 2, Нильсен).

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Португалия	3	2	1	0	5:1	7
2. Хорватия	3	2	0	1	4:3	6
3.Дания	3	1	1	1	4:4	4
4.Туркия	3	0	0	3	0:5	0

1/4 ФИНАЛ

Англия — Испания — 0:0 (пенальтилар бўйича — 4:2), Франция — Голландия — 0:0 (пенальтилар бўйича — 5:4), Германия — Хорватия — 2:1, (Клинсманн, Заммер — Шукер), Чехия — Португалия — 1:0, (Поборски).

1/2 ФИНАЛ

Германия — Англия — 1:1 (Кунтц — Ширер), пенальтилар бўйича — 6:5. Чехия — Франция — 0:0, пенаптилар бўйича — 6:5.

ФИНАЛ

ГЕРМАНИЯ — Чехия — 2:1 (0:0, 1:1, 1:0; Бирхофф — 2, Бергер).

ФИДОЙИЛИКНИНГ МЕЗОНИ БЎЛМАЙДИ

Олтмиш йил илгари Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН хизмати ташкил топганди

Шу муносабат билан пойтахт милициясида бўлиб, ДАН хизматининг ўтмиши, бугунги куни, ўтказилаётган тадбирлар билан қизиқдик. Булар ҳақида Тошкент шаҳар ИИББ ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Холмат ЗОКИРОВ қуйидагиларни гапириб берди:

— Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган автомашина бир қанча қулайликлар яратиши билан бирга турли ташвишларни ҳам бошлаб келди. Кўпчиликни ташвишлантирган бундай муаммолардан бири йўл-транспорт ҳодисалари бўлди.

Бугунги кунда автомашиналар тури ва сонининг ошиши янада қучайди. Йўлларда ҳаракатни тартибга солиш муаммоси мураккаблашган. Республика раҳбарияти бунга жиддий эътибор қаратмоқда. Йўлларни кенгайтириш ва кўпайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда Тошкент шаҳрида 3900 км. дан ортиқ узунликдаги йўл бўлса-да, автомашиналар қатновидаги гавжумлик давом этаяпти. Буларни инобатга олиб ўтган қисқа даврда Сағбон, Зарқайнар, Абдулла Қодирий, Қорасарой, Тороб Тўла, Фарғона кўчаларидаги йўллар бутунлай қайта қурилди. Фаровий, Беруний каби кўчаларда қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилаяпти. Бундай йўллар кўпайгани, автомашиналар қатнови қучайгани сайин ДАН хизмати зиммасидаги масъулият ва вазифалар ҳам ошиши турган гап. Тошкент шаҳар давлат автомобиль назорати хизмати дастлаб ташкил этилганда унинг таркибида 12 киши бўлган. Бугунги кунга келиб ДАН ички ишлар тизимидаги алоҳида бошқармага айланган. Унинг ўндан ортиқ бўлими ва турли бўғинлари мавжуд. Эндиликда ДАН хизмати ички ишлар идораларининг кўп сонли, тезкор тизимларидан бири ҳисобланади. Унинг ўзига хос тарихи, фахрланса арзийдиган тарихий шахслари — собиқ ходимлари бор. Иккинчи жаҳон уруши пайтларида ҳам улар биринчилардан бўлиб фронтга отланганлар. Уларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида ДАН хизматига хотин-қизлар қабул қилинган. Улар орасида, айниқса, Юсупова, Кислова, Туркало каби аёлларнинг матонати ниҳоятда юқори бўлган. Юсупова ДАНда хизматни бошлаган дастлабки пайтларидаёқ оқибати ўлим билан тугаган йўл транспорт ҳодисаси (ЙТҲ)ни очишга, Хавосдан олиб қочилган автомашинани қўлга олишга муяссар бўлган.

Бугунги кунда ДАН хизмати фаолиятини янада кучайтиришга республика ҳукумати ИИВ раҳбарияти томонидан катта эътибор берилмоқда. Кейинги вақтда ДАН ходимлари бир неча энг замонавий, кўпгина қулайликларга эга чет эл маркали автомашиналар, «Honda» мотоцикллари ва бошқа техник ҳамда алоқа воситалари билан таъминландилар. Бу йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва қонун-қоида, ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳамда жиноятчиликка қарши кескин курашга кенгроқ имконият яратди. Натижада жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида темир йўл кесишмасидан ўтиш қоидасини бузиш 658 тани, белгиланган тезликни ошириш 15 мингдан ортиқни, йўлчироқнинг таъқиқланган ишорасига бўйсинмаслик 25165 тани, қувиб ўтиш қоидасини бузиш 3466 тани, авария ҳолатини келтириб чиқариш ҳоллари эса 849 тани ташкил этди. Пиёдалар томонидан 72304 марта йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бузилган. 7161 автомашина ҳайдовчиси тузилган махсус баённомага асосан қайта имтиҳон топширишга жўнатилган. 445 киши эса ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилган.

ДАНБ ходимлари шу йилнинг ўтган даврида жиноятчиликка, айниқса, унинг оғир турларига қарши муросасиз кураш олиб боришди. Биргина 5 ойнинг ўзида 7 та транспорт воситаларини ўғирлаш, 38 та автомашиналарни олиб қочиш, 101 та наркотик моддалар билан шуғулланиш, 8 та қурол сақлаш, 12 та қалбаки ҳужжат тайёрлаш ва бошқа турдаги жиноятларни очишда иштирок этишди.

Олиб борилаётган ишларни янада яхшилаш мақсадида шаҳар миқёсида кўплаб кенг қамровли, оператив-қидирув ва профилактик тадбирлар ўтказилаяпти. ИИББ томонидан ташкиллаштирилган «Комплекс», «Тозалаш», «Орият», «Бўрон» каби шартли номлар остидаги тадбирларда иштирок этдик. Ўзимиз ҳам яқинда «Темир йўлдан ўтиш», «Диққат пиёда» каби кенг қамровли профилактик тадбирни ўтказдик. Шунингдек, куни кеча «Тоза ҳаво» тадбиримиз ниҳоясига етди. Унга Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш, нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳа ходимларини ҳам жалб этдик.

Кўрилаётган кўплаб чора-тадбирлар ва олиб борилаётган катта ишларга қарамай ҳали ДАН хизматидаги муаммолар бир талай. Чунки ҳали жиноятчиликка, ҳуқуқ-тартибот бузилиши ҳолларига тўла барҳам берилганича йўқ. Бундай ҳодисаларнинг ҳар бири ДАН ходимларини қаттиқ ташвишлантиради. Аммо йўлдаги жиноятни бартараф этиш фақат ДАН ходимларигагина боғлиқ эмас. Ўтган 5 ой мобайнида 889 та ЙТҲ содир этилган бўлса, шундан 532 таси бевосита ҳайдовчиларнинг айби билан бўлган. Шунингдек, 46 тасида ҳайдовчилар автомашинани маст ҳолда бошқаришган. 28 тасида тезликни ошириб, ЙТҲни содир этишган. 110 таси чорраҳада ҳаракатланиш қоидасини бузишгани оқибатида содир этилган. Кейинги вақтларда, айниқса, пиёдалар йўл ҳаракати қоидаларига бирмунча бефарқ қарайдиган бўлишган. Биргина уларнинг айби билан 360 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бундай нохуш ҳодисаларга, айниқса, болаларнинг учраётгани жуда ачинарли ҳол. Ўтган 5 ойда болалар иштирокида жами 267 та ЙТҲ си содир этилган. Шундан 149 таси болаларнинг эҳтиётсизлиги туфайли бўлган.

ДАН хизмати — ўта масъулиятли ва шу билан бирга шарафли касб. Унда юрагида ўти, журъати борлар, ўз юртига, халқига фидойилар фаолият кўрсатади. Зеро, фидойиликнинг мезони бўлмайди. У худди савоб янглиғдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак».

Абдураҳим ХАЛИЛОВ ёзиб олди.

СУРАТДА: шаҳар ДАН бошқармасининг фидойи ходимлари — бўлим бошлиқлари (ўнгдан) милиция подполковниги Одилжон Хўжаев, милиция капитани Шуҳратбек Абдиев ва бўлим бошлиғи ўринбосари милиция капитани Бахтиёр Тошкенбоев.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Муҳтарам газетхон!

Сиз кўпдан буён «Халқ сўзи»ни ўқиб борасизми? Албатта, тўғри қиласиз! Чунки Олий Мажлис қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда расмий хабарлар билан сиз фақат «Халқ сўзи» орқали танишишингиз мумкин! Мазкур ҳужжатларга энг билимдон мутахассисларнинг шарҳ ва изоҳлари, уларнинг батафсил таҳлили ҳам айнан бизнинг газетамизда чоп этилишини унутманг! Зеро, «Халқ сўзи» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетасидир.

Қуррои заминдаги энг сўнгги янгиликларни, мамлакатимиз ҳаётига оид сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маърифий мақолаю ахборотларни, чуқур таҳлил этилган сиёсий ва иқтисодий шарҳларни, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли ҳамда ишбилармон ва тадбиркорлик ҳақидаги ранг-баранг материалларни, шунингдек, маданият ва спорт хабарларини бизнинг газетамиздан бошқа яна қайси нашрда ўқийсиз? Сиз уларни, албатта, «Халқ сўзи»да ўқиб боришингизга ишончимиз комил.

Чунки ҳафтада беш марта чоп этиладиган газетамиздаги барча материаллар тезкорлиги ва таҳлилий баёни билан ўзга нашрлардан ажралиб туради.

«Халқ сўзи» халқимизнинг газетасидир.

Газетамизда чоп этилаётган долзарб, қизиқарли ва мазмундор материаллардан ҳокиму раҳбарлар, ишбилармону тадбиркорлар, деҳқону чорвадорлар, олиму зиёлилар, муаллиму шифокорлар — барча баҳраманд бўлиши шубҳасиз.

«Халқ сўзи» ўз ўқувчилари билан доимий алоқада эканлигини, улардан келаётган хат-хабарларни имкон қадар чоп этиб бораётгани ҳамда ариза ва шикоятларни мухбирлар орқали жойида ўрганиб, айримларини тегишли ҳокимлик ва идораларга юбориб, уларнинг жавобларини газета саҳифаларида ёритиб бораётганидан ҳам англаш мумкин. Кўплаб фуқароларнинг муаммолари «Халқ сўзи» аралашгач ижобий ҳал бўлаётганидан, халқимизга ёрдамимиз тегаётганидан беҳад мамнунмиз.

Сиз газетамизнинг бундан буён ҳам ҳамроҳингиз бўлиб қолишини истайсизми? Марҳамат,

«Халқ сўзи»га обуна бўлинг.

Обуна баҳоси

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда:

— Якка тартибдаги обуначилар учун:

1 ойга — 99,25 сўм,
3 ойга — 297,75 сўм,
6 ойга — 595,50 сўм.

Ташкилотлар учун:

1 ойга — 129,55 сўм,
3 ойга — 388,65 сўм,
6 ойга — 777,30 сўм.

Тошкент шаҳрида:

— Якка тартибдаги обуначилар учун:

1 ойга — 72 сўм,
3 ойга — 246 сўм,
6 ойга — 432 сўм.

Ташкилотлар учун:

1 ойга — 155 сўм,
3 ойга — 423 сўм,
6 ойга — 804 сўм.

Ҳар куни энг янги хабарлар, қизиқарли ва мазмунли ранг-баранг мақолалар остонангиздан кириб келишини истасангиз, албатта, «Халқ сўзи»га обуна бўлинг!

Бугун озроқ маблағ ва вақт ажратсангиз, биз олти ой ҳамроҳингиз бўлиб қоламиз!

GOOD MORNING!
Халқ СЎЗИ — KHALK SUZI
Инглизча илова — №2 June 6, 1996 — Newspaper in the newspaper

ИШБИЛАРМОНЛАР, ТИЖОРАТЧИЛАР ВА УМУМАН ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ, ЎЗ МАҲСУЛОТИНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚАРИШ, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ НИЯТИДА ЮРГАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Халқ сўзи» газетаси «Гуд монинг» («Хайрли тонг») деб аталувчи илова-газета чоп этишга киришди. Инглиз тилида чиқадиган ушбу илова, асосан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл элчихоналари, хорижий банк ҳамда тижорат муассасалари, шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий меҳмонларга тарқатилади.

Ана шу илова сиз азиз ишбилармонларни хорижий шериклар билан боғловчи ўзига хос кўприк бўлишига ишончимиз комил. Иловага қанчалик кўп реклама ва эълонлар берсангиз, чет эл сизнинг ташкилотингиз ҳақида ўшанча кўп маълумот олади ва табиийки, сиз учун хориж билан ҳамкорликнинг янги-янги уфқлари очилади.

«Халқ сўзи» жамоаси.

Мурожаат учун телефон: 33-52-55, 36-09-25, 33-10-28.

CASIO Tokyo,Japan
ЯНГИЛИК!
БУХГАЛТЕРИЯ УЧУН 12,14,16 РАЗРЯДЛИ
1.400 сўм ва юқори
BIG DISPLAY
ИККИ ТОМОНЛАМА - қуёш энергияси ва батареядан, ҚУВВАТ ОЛАДИ:
кафолат муддати - уч йил
Тел.: 50-6941, 33-9951, 50-3286
БИЗНЕС УЧУН ЭЛЕКТРОНИКА МАЛКОМ

"ШНУРСИЗ" чойнаклар, французча хушбичим, европача сифатли. Сиғими 1,2 дан 2 литргача. Коллекцияда шунингдек, икки ҳароратли DUETO, олтин ишланган, хлорга қарши GOLD фильтри ва бошқалар ...
Шунингдек, металлокерамикали, қуймайдиган француз ДАЗМОЛЛАРИ.
FRANCE 11 ХИЛ TEFAL FREE CORDS
МАЛКОМ Тел.: (3712) 50-6941, 33-9951, 50-3286

Тошкент, У. Носир кўчаси /Ш. Руставели/, 91, 4-қават /"Қардошлик қабристони" бекати/.
Тел.: (3712) 50-6941, 33-9951, 50-3286

НУСХА ОЛИШ Canon ТЕХНИКАЛАРИ

PC-310,E-16 ярим автомат, тўла комплект	43996
PC-330,E-16 автомат, тўла комплект	53900
PC-530,E-I6 автомат, тўла комплект	64900
ФОТОАППАРАТ професс. ZOOM 35-135 мм	38000

ФАКСЛАР Panasonic

Факс-ксероксла:	
KX-F-3100 лазерли,оддий қоғ.,автожавоб 70 бет	77513
KX-F 500/555* (чет тил. рус. тилига)	32019
KX-F 700/750* (чет тил. рус. тилига)	41744
Телефонлар:	
KX-T3908 cordless phone	9343
KX-T3968/2 P-тел. ,2-клавиатурали,спикерфон	12930
KX-T9500 радиотелефон 1 км	22059

ФАКСЛАР SAMSUNG ЯНГИЛИК!
ЮҚОРИ ЎТКАЗУВЧАН ВОСИТА

SF-800 автожавоб,дисп. (ўхшаши PANASONIC KX-F700)	29900
SF-100 автожавоб,PERSONAL FAX (ўхшаши KX-F500)	26900
SP-R-916 радио-мини АТС,1 км, 4 тагача абонент	27723

CASIO

Стереоплейр, 9 хил, приёмниги билан лазернийси ҳам киради,соат-будильникли	2000 ва юқори
Бухгалтерлик калькуляторлари, илмий ва ҳ.к.	
D 20 12 разр., катта дисплей (бух.)	937 ва юқори
Чўнтак калькулятори, 15 хил	140 ва юқори
Ишхона, девор соатлари, будильниклар	1300 ва юқори
Қўл соатлари, 17 хил: тиббий, мусулмонликка оид, TV-AUDIO бошқарувли, ён дафтарчали,рангли	1100 ва юқори

GENERAL ELECTRIC (USA)

Телефонлар:	
GE 2-9230/9233,икки линияли,12 абонент хотирали	2673
GE 2-9170,12 абонент хотирали	3469

"АВТОРАДИАТОР"
Ўзбекистондаги расмий вакили "ХУМО" фирмаси
ТУРКИЯДАГИ ЖАМИЯТНИНГ Тошкентда жойлашган омборхонасидан "МАЗ", "КРАЗ", "ЛАЗ", "ҚАЗ" автомобиллари учун
РАДИАТОРЛАРНИ
пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ.
Мурожаат учун телефонлар: (3712) 35-18-63, 35-71-12. Факс: 34-19-83.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик ходими Мавлуда Ўрмоновага укаси
Бахтиёр ОБИДОВнинг
фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси Самарқанд вилояти ўрмон хўжалигининг бош корхонаси раҳбари
Раҳматулла АБДУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Тошкент шаҳар маданият ишлари бош бошқармаси бошлиғи Ўзбекистон халқ артисти Рустам Мухсинович Ҳамидовга онаси
Рауза Гофиржон қизи ФАХРУДДИНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физиология ва биофизика институти жамоаси институтнинг собиқ директори, электрофизиология лабораториясининг етакчи илмий ходими, биология фанлари доктори, профессор
Зиё ТУРСУНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ЎзФА «Кибернетика» ИИЧБ «Биокибернетика» илмий-тадқиқот маркази жамоаси марказ директори Х. Турсуновга отаси
Зиё ТУРСУНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети жамоаси ўқув бўлимининг мудири А. Каракозовага онаси
Анна Семеновна ГОРДИЕНКОнинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети жамоаси Халқаро ҳуқуқ факультетининг декани С. Шодиевага онаси
Ойсара УМУРЗОҚОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институти жамоаси, институтнинг илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари, госпитал хирургия кафедрасининг профессори, тиббиёт фанлари доктори Бахтиёр Турсуновга отаси
Зиё ТУРСУНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"ВЕТХИМБИТ" ЛИТИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРИДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:
Ишхона ва уй мебеллари
(Франция ва Малайзияда тайёрланган).
Шунингдек:
- хлорли охак;
- каустик сода;
- фармалин;
- кир совун;
- МТЗ-80 тракторлари;
- чизилма (канон ип).
Манзил: Тошкент ш., I-Нукус тор кўчаси, 5.
Тел.: 99-72-72. Факс 59-55-00.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев.
Навбатчи — Р. Жумаев.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 0319 Буюртма Г. — 0379 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 23.30. 123456